

**ЗАМОНАВИЙ ТИЛШУНОСЛИКНИНГ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЯ
СОҲАСИДА ПРЕЦЕДЕНТ БИРЛИКЛАР ТАДҚИҚИ
RESEARCH OF PRECEDENT UNITS IN LINGUOCULTUROLOGY OF
MODERN LINGUISTICS
ИССЛЕДОВАНИЕ ПРЕЦЕДЕНТНЫХ ЕДИНИЦ В
ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИИ СОВРЕМЕННОГО ЯЗЫКОЗНАНИЯ**

Пардаева Нигина Элбек қизи

Ташкентский государственный университет узбекского языка имени Алишера
Навои литературы

факультет узбекского языка и литературы, студент 2 степени

Аннотация

Ушбу мақола замонавий тилшуносликнинг долзарб муаммоларидан бири сифатида ўрганилиб келинётган лингвокультурология соҳасининг прецедент бирликлар ва матнларини тадқиқ қилишга бағишланади. Мақолада лингвокультурология соҳасининг прецедент бирлик ва матнларини ўрганишнинг афзаллик ва ютуқли томонлари шеърӣй мисоллар ва матнлар орқали очиб берилади.

Калит сўзлар: Лингвокультурология , прецедент , антропоцентрик , маданият, қадрият, аллюзив , эталон.

Annotation

This article is devoted to the research of precedent units and texts of the linguoculturology field, which is being studied as one of the actual problems of modern linguistics. The article reveals the pros and cons of studying precedent units and texts in the field of linguoculturology through poetic examples and texts.

Keywords: linguoculturology, precedent, anthropocentric, culture, value, all inclusive, ethalon.

Аннотация

Данная статья посвящена исследованию прецедентных единиц и текстов области лингвокультурологии, которая изучается как одна из актуальных проблем современного языкознания. В статье раскрываются плюсы и минусы изучения прецедентных единиц и текстов в области лингвокультурологии через поэтические примеры и тексты.

Ключевые слова: лингвокультурология, прецедент, антропоцентричность, культура, ценность, все включено, эталон.

Антропоцентрик тилшуносликнинг етакчи йўналишларидан бири ҳисобланган "лингвокультурология" (лот.лингва - тил + лот. култура - ишлов бериш + юн. логос - таълимот) тилшунослик, маданиятшунослик, этнография, психолингвистика соҳалари ҳамкорлигида юзага келган, тилнинг маданият, этнос, миллий менталлик билан ўзаро алоқаси ва таъсирини антропоцентрик парадигма тамойиллари асосида ўрганувчи соҳадир.

Маданият, халқ тафаккури, унинг олами идрок этишидаги ўзига хос жиҳатларнинг тилда акс этишини ўрганиш лингвокультурологиянинг асосий мақсадидир.

Лингвокультурология бевосита матн билан боғлиқ, матн ҳам бошқа тил бирликлари каторида бу соҳанинг тадқиқ объектларидан бири ҳисобланади. "Лингвокультурология" китобининг муаллифи В.А.Маслова бу борада қуйидагича ёзади: "Матн тилшунослик ва маданиятнинг ҳақиқий кесишув нуктасидир. Зеро, матн тил ҳодисаси ва унинг олий сатҳи ҳисобланади, шу билан бирга у маданият мавжудлигининг амал қилиш шакли ҳамдир. Лингвокультурология эса тилни маданий қадриятлар тажассуми сифатида тадқиқ этади". Лингвокультурологиядаги матн билан боғлиқ яна бир ҳодиса бу прецедент матн масаласидир. Тадқиқотчи О.Э. Артемовнинг сўзлари билан

айтганда, прецедент жанрлар маданий ахборотнинг " аккумулятори" дир. Прецедент матнлар прецедент бирликларнинг бир тури бўлиб, ўзида муайян миллат тил эгаларига хос бўлган лисоний хотирани акс эттиради. Ҳозирги вақтда хусусан, рус тилшунослигида бу борада кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. Прецедент бирликлар тил тизимини тадқиқ этишнинг етакчи йўналишларидан бири бўлган лингвокультурологиянинг асосий ўрганиш объектларидан бири ҳисобланади. Мазкур бирликларга бағишланган тадқиқотларда қайд этилишича, «прецедент» термини тилшуносликда биринчи марта Й.Н.Караулов томонидан рус тилида эълон қилинган мақолада қўлланган. Рус тилшунослигида муайян тил соҳибларига яхши таниш бўлган ва уларнинг хотирасида сақланадиган, нутқий фаолиятдан қайта - қайта мурожаат қилинадиган шахс номлари, барқарор сўз бирикмалари, жумлалар ҳамда матнлар прецедент бирликлар сифатида қайд этилади. Прецедент номларни тадқиқ этиш ўзбек лингвомаданиятига хос жихатларни ёритиб беришда ҳам муҳим ўрин тутади. Фикримизча , қуйидагиларни аниқлаш бу борадаги муҳим вазифалардан ҳисобланади :

1. Прецедент номларнинг қайси лингвомаданиятга мансублиги, унинг синхрон ҳолати масаласи. Маълумки, прецедент номлар миллий ва универсал турларга бўлинади. Ҳозирга вақтда Айюб, Афросиёб , Алпомиш , Боғи Эрам , Бойчибор, жоми Жам, Искандар , Каъба, Кумуш, Отабек, Лайли, Мажнун, Фарҳод, Ширин, Тоҳир, Зухра, Одам Ато, Момо Ҳаво, Масих , Тўмарис, Широқ, Амир Темур, Ҳотам, Ҳумо, Усмон , Чўлпон каби ўзбек ва шарқ лингвомаданиятига; Гамлет, Геракл, Икар, Колумб, Отелло, Яго, Буратино каби Ғарб лингвомаданиятига оид номлар фаол қўлланмоқда.

2. Прецедент номларнинг аллюзив ном вазифасида қўлланилиши.

Прецедент номларнинг функционал турларидан бири бўлган аллюзив номларга бадииятида услубий фигура сифатида қаралса, лингвокультурологияда

улар икки маданий - семиотик майдонни ўзаро туташтирувчи восита сифатида эътироф этилади. Бунда икки жиҳат эътиборга олинмоғи лозим: а) аллюзив номларнинг адабий фактга ишора қилиши ва, б) уларнинг турли ижтимоий - тарихий фактга ишора қилиши.

Фикримизни далиллаш мақсадида қуйидаги матнларни келтирамиз :

Бунча узун оҳ тортдингиз, оҳ Бобур ,
Муттаҳамлар дунёсида, шоҳ Бобур
Андижон - у Ҳинду – етти иқлимда
Топилмади сизга бир додхоҳ , Бобур.

С. Саййид." Шоҳ Бобур")

Низомий болидан ҳалво пишурмиш ,
Навоий забт этиб туркий жаҳонни .

(А. Орипов. "Озарбайжон")

Биринчи матндаги Бобур аллюзив номи Сироҷиддин Саййид қаламига мансуб матнни беш аср аввал яратилган матн билан - Бобурнинг "Юз оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур" деб бошланувчи рубоийси билан боғлашга хизмат қилган бўлса, иккинчи матнда Низомий, Навоий номлари воситасида Навоийнинг туркий тилда " Хамса" яратиш тарихий фактга ишора қилинган. Прецедент матн назарияси юзага келгач, тилшуносликда вертикал матн прецедентлик хусусиятига эга бўлиши лозимлиги ҳақидаги фиклар илгари сурилди. Дарҳақиқат, аллюзив ном остида яширинган матн прецедент, яъни халқнинг лисоний хотирасидаги сақланувчи, машҳур матндан иборат бўлмас экан, асарда қўлланган аллюзия кутилган натижани бера олмайди. Бундан аллюзив фактнинг машҳурлиги муҳим аҳамиятга ега. Масалан :

Ўтган кунинг - ўтган кундир ,
Ўз бошингга етган кун .

Қодирийни берган замин ,
Қодирийни сотган кун .

(М. Юсуф. "Ватаним")

Ушбу матнда «ўтган кунинг» бирикмаси орқали ҳам қатағон даврига, ҳам "Ўтган кунлар" романига, Қодирий прецедент номи орқали эса унинг фожияли ўлими ҳақидаги фактга ишора қилинган. Қодирий ва унинг романи ҳақидаги маълумотларнинг машҳурлиги шеърӣй матн мазмунини тушунилишида катта рол ўйнайди.

3. Прецедент номларнинг эталон вазифасида келиши. Прецедент номлар маълум сифатларнинг намунавӣй йиғиндисига ишора қилиш хусусиятига эга бўлганлиги сабабли муайян лингвомаданиятда бирор тушунчанинг рамзи сифатида қўлланади. Айтиш жоизки, турли матнларда Ҳотам, Луқмони Ҳаким, Рустам, Мажнун, Лайли, Каъба, Боғи Эрам, жоми Жам каби анъанавӣй рамзӣй номларни қўллаш билан бирга Кумуш, Жалолиддин, Колумб, Отелло, Тўмарис, Широқ, Барчин каби номларни ҳам муайян тушунчанинг рамзи сифатида қабул қилиш ўзбек лингвомаданиятига хос хусусиятлардан бирига айланди. Жумладан , бугунги кунда, Кумуш - иболи, андишали ўзбек аёли, Жалолиддин - жасур, ватанпарвар, Колумб - кашфиётчи, Отелло - ўта рашкчи , Тўмарис ва Барчин номлари эса мард, орияти баланд аёл рамзи сифатида қўлланмоқда.

Бундай қўлланиш мазкур прецедент номларнинг ўзбек лингвомаданиятидан эталон сифатида ўрин олишига йўл очади. Прецедент номларнинг эталонлик хусусияти, айниқса, шеърӣй матнларда яққол кўзга ташланади. Қуйида шундай эталонларнинг айримларига мисол келтирамиз:

Боғи Эрам - гўзал маскан эталони:
Ўзбекистон шабчароғи, олмоси Фарғонадир,
Ерда юлдузлар каби, ҳар ерда гавҳар ёнадир.

Ҳар тараф боғи Эрам, ҳар манзил кошонадир,
Қувнаган халқнинг лабида канда бўлмай ёнадир.

(Ғ.Ғулом."Ўзбекистон шабчароғи...")

Асқар тоғи - забардастлик, улуғворлик эталони:

Бир йигитлар туғилсинки, бир йигитлар .

Елкалари Асқар тоғдай, ақли расо,

Ориятли, ҳамиятли , насли расо

Бир йигитлар туғилсинки, бир йигитлар...

М.Юсуф."Бир йигитлар туғилсинки ...")

Герострат - шуҳратпарастлик эталони :

Шуҳрат қолдирмоққа Геостратдек

Диана маъбадин ёқмоқ шарт эмас.

Кўпларнинг бахтига ўзликни жамлаб ,

Шу улуғ бинога бир ғишт қўйсак бас. (Ғ.Ғулом."Вақт")

Прецедент бирликлар орасида прецедент матнлар муҳим ўринни эгаллайди.

Й.Н.Караулов прецедент матнларга шундай таъриф беради: "Бирдан ортиқ шахсга тегишли бўлган, уларнинг билиш ва ҳиссий муносабатларида у ёки бу шахс учун аҳамиятли бўлган, яъни мазкур шахс билан алоқадор одамларга жуда яхши таниш бўлган ва ниҳоят, тил эгалари дискурсида қайта - қайта мурожаат қилинадиган матнлар «прецедент матнлар»дир. «Келиннинг онасига - конфет фабрикаси, тоғасига - арақ заводи, ўлган бувисига янги кафан» кўчирмаси эса ўзбек тилида сўзлашувчи тил соҳибларининг асосий вакилларига "Учрашув" номли телефильм орқали жуда яхши таниш. Шу сабабли мазкур матн мазмунини тушуниш учун махсус билим талаб этилмайди. Бинобарин, бу матн кўпчиликка таниш эканлиги ва шу боисдан қайта тикланиш хусусиятига эгаллиги билан прецедент матнга мисол бўла олади. Умуман, ўзбек тилидаги машҳур шеър ва кўшиқлардан,

Қуръон ва Ҳадислар, латифалар, эртак, ривоят, кинофильмлардан олинган матнларни прецедент матнлар сирасига киритиш мумкин. Улар матн таркибида айнан ёки ўзгартирилган ҳолатда қўлланилиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар :

1. Маслова В.А. "Лингвокультурология ": учебное пособие - М : Асадемия. 2001 - 208.с.

2. Маҳмудов Н. "Тилнинг мукаммал тадқиқи йўллари излаб..." Ўзбек тили ва адабиёти - Тош, 2012. Н. 5. Б. 3- 16.

3. Артелова О.Э. Лингвокультурная специфика текстов прецедентного жанра" лимерик" : На материале английского языка : Дис. канд.филол. наук , - Уфа : Баш Фу, 2004. С - 24.

4.А. Примов , Х. Қодирова "Тилшуносликнинг долзарб муаммолари" Урганч. 2019.

5. Усмонов . С. "Умумий тилшунослик".Т. Ўқитувчи. 1972.